УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (3488). | Якшанба, 8 январь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ АКТИВИНИНГ ИЙҒИЛИШЛАРИ

ЧЕЛЯБИНСК, 6 январь. (ТАСС). Бугун Глинка номидаги опера ва балет театри биносида область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни КПСС область комитетининг биринчи секретари Н. Н Родионов очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин «КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил декабрь Пленуми якунлари тўғрисида» доклад қилди.

Йиғилиш резолюция қабул қилиб, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллади.

А. Н. Косигин Челябинскка келгандан кейин трактор заводида бўлди. Корхонанинг ва унинг айрим цехларининг ишлари билан танишди. У, ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди. СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри И. Ф. Синицин, КПСС Челябинск область комитетининг биринчи секретари Н. Н. Родионов ва область ижроия комитетининг раиси И. П. Гайворонцев А. Н. Косигин билан бирга заводда бўлдилар. А. Н. Косигин завод билан танишиб чиққанидан кейин корхонанинг иши ва уни ривожлантириш истиқболлари масалалари юзасидан раҳбар ходимлар билан кенгаш ўтказди.

СВЕРДЛОВСК, 6 январь. (ТАСС мухбири). Бугун шу ерда Свердловск область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний «КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил декабрь Пленуми якунлари тўғрисида» доклад қилди.

Ўрта Урал коммунистлари резолюция қабул қилиб, партия Марказий Комитети Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллади.

Н. В. Подгорний Урал машинасозлик заводида бўлди. Унинг цехларини қўздан кечирди ҳамда корхона коллективининг ҳаёти билан танишди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ишчилар ва инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди. Техника янгиликлари, меҳнаткашлар маданий техника савиясининг ўсиши, уларнинг турмуш шароити билан қизиқди.

⊙ Сарвар Усмонов Тошкент асбобсозлик заводининг илғор ишчиларидан бири ҳисобланади. Уни механика цехида энг яхши фрезерчи сифатида танийдилар. У 1966 йил планини муддатидан олдин тугаллаб, шу кунларда Улуғ Октябрь 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Суратда: С. Усмонов иш устида.

А. Палехов фотоси.

⊙ «Маҳсулотинг аъло бўлса — қалбинг равшан бўлади». Тошкент канап фабрикаси тўқув цехининг илғор ишчиси В. Головко ана шу шиор остида меҳнат қилади. У ҳар доим ўз топшириқларини ошириб адо этади. Суратда: В. Головко тўқув аппаратларини текшириб кўрмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва республика меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига сайловлар ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олтинчи чақириқ Олий Совети депутатларининг ваколатлари ҳамда ўнинчи чақириқ меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул советлари депутатлари ваколатларининг муддати 1967 йил март ойида тамом бўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва республика меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул советларига сайловлар 1967 йил 12 март якшанба кунига белгиласин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 7 январь.
Тошкент шаҳри.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 4 январдаги қарори

Улуғ Октябрь социалистик революцияси галаба қилган кунга 1967 йил 7 ноябрда 50 йил тўлади.

Совет халқи, у билан бирга барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари жаҳонда биринчи социалистик давлат тугилган мана шу жаҳоншумул тарихий санани тантанали нишонлайдилар. Октябрнинг 50 йиллиги — марксизм-ленинизм, ишчилар ҳаракати идеалларининг, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги идеяларининг тантанасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси «жаҳон тарихининг янги даврини» (В. И. Ленин), капитализмнинг емирилиш даврини очиб берди, «инсоннят тақдирини» социализм сари бурib юборди. Ўтган ярим аср мобайнида инсоннятнинг ривожланиши Октябрь революцияси идеяларининг тантанаси белгиси остида, жаҳоннинг социал-сиёсий манзарасини тубдан ўзгартириб юборган жуда катта революцион ишлар белгиси остида ўтди.

Октябрнинг эллик йиллиги — коммунизм, марксизм-ленинизм талабаларининг, Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси ва йўлбошчиси халқаро Коммунистик ҳаракат бирлиги учун курашчи Владимир Ильич Ленин ҳаётбахш таълимотининг галабаларн байрамидир. Ленинизм — революцион фикрининг, революцион ҳаракатнинг, революцион мардликнинг мангу барқ уриб турган чашмасидир, жамиятни социал қайта қуриш учун курашаётган одамларнинг тобора янгидан-янги авлодлари Ленин идеяларига интилмоқдалар. Ленининг номи планетадаги ҳамма халқларга беиҳтиёр азиз ва қадрлидир. Бу ном янги дунёнинг рамзи бўлиб қолди.

Коммунистик партия, совет, халқи, Совет ҳокимиятининг эллик йиллигига тайёрланиб, ўз кучини, ўзининг доҳиёна ақл-заковатини революция ишига, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун курашга бағишлаган Ильичга ўз меҳр-муҳаббатларини қайта ва қайта изҳор қиладилар, Ильич васиятларини муқаддас билиб бажаравершга, Октябрь галабаларини сақлаб қолиш ва кўпайтира беришга ўзларининг астойдил қаттиқ бел боғлаганликларини изҳор қиладилар.

Октябрь революцияси тарихда биринчи бўлиб помешчиклар ва капиталистлар ҳукмронлигини тугатди, эксплуататорлар тузумини яксон қилди. Ишчилар, меҳнаткаш деҳқонлар, солдатлар ва матрослар «Бутун ҳокимият Советларга» деган шиор остида эски дунёга ҳужум қилдилар ва енгиб чиқдилар. Пролетариат диктатураси ўрнатилди, давлатнинг янги типи — Совет Социалистик давлати вужудга келди. Меҳнаткашлар ҳукмронлиги даври бошланди. Халқ оммасини иқтисодий, социал ва сиёсий қулликдан қутқариш, уларни синфий ва миллий зулмдан озод қилиш, меҳнат аҳлини ҳар томонлама ривожлантириш янги дунё қуришнинг мақсади бўлиб қолди. Октябрь революцион гуманизмининг энг чуқур моҳияти ҳам мана шундадир.

Жаҳон тарихининг бундан олдинги бутун ривожланиши давомида олдинга сурилган туб проблемаларни: жамиятнинг келажаги тўғрисидаги, социал тараққиётнинг характери тўғрисидаги, уруш ва тинчлик тўғрисидаги, жаҳон цивилизациясининг тақдири тўғрисидаги проблемаларни ҳал қилиш йўлларини Октябрь революцияси очиб берди.

Октябрь революциясининг галабаси Ленининг социалистик революция назариясини исботлади.

Капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг қарор топиши муқаррарлиги тўғрисидаги,

Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган ишчилар синфининг революциядаги ва янги жамият қуришдаги авангардлик роли тўғрисидаги,

Пролетариат диктатураси ва унинг социализм галабаси учун курашдаги роли тўғрисидаги,

Советлар пролетариат диктатурасининг формаси ҳамда чинакам халқ ҳокимияти, социалистик демократия органлари эканлиги тўғрисидаги,

Ишчилар синфининг деҳқонлар ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари билан ишчилар синфи раҳбарлигидаги иттифоқи социал озодлик учун курашда ҳал қилувчи куч эканлиги тўғрисидаги,

Индустриялаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш тўғрисидаги,

Миллий масалани ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги,

Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтариш ва маданий революцияни амалга ошириш тўғрисидаги марксизм-ленинизм таълимоти тарихий синовдан муваффақият билан ўтди.

Совет халқи Октябрнинг 50 йиллигини қутиб олар экан, кураш ва галабанинг ярим асрлик йўлини якунлайди. Бу йўл — помешчик-капиталистик тузумдан тубли социалистик қайта қуришларга, эксплуатация нималигини билмайдиган жамиятга ўтиш йўлидир, меҳнаткашларнинг сиёсий ҳуқуқсизлигидан социалистик демократияга ўтиш йўлидир, халқларни миллий эзиш йўлидан уларнинг эркинлиги ва тенглигига, дўстлиги ва қардошлигига ўтиш йўлидир, техника-иқтисодий қолоқликдан замонавий индустрияга ва механизациялашган коллектив қишлоқ хўжалигига ўтиш йўлидир, саводсизликдан халқ маорифи, фан ва маданиятни мисли кўрилмаган даражада ўстиришга ўтиш йўлидир.

Ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг юксак **революцион руҳи ва қаҳрамонлиги Октябрь кунларида, Граждан уруши ва чет эл интервенцияси йилларида алоҳида куч билан намоён бўлди.** Совет республикаси бамисоли бир орол каби душман кучлари океани билан қуршаб олинган эди, душманлар уни муқаррар ва тез ҳалок бўлади, деб айтмоқда эдилар. Улар ёш совет республикасини бўғиб ўлдириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Оқ гвардиячилар ва интервенциячиларнинг оловли ҳалқасини тилка-пора қилмоқ, иқтисодий блокадани, очлик ва хўжаликдаги вайронликни бартараф қилмоқ учун жуда катта куч ва ғайрат сарфлаш талаб қилинди. Коммунистик партия раҳбарлигида ишчи ва деҳқонлар, Қизил Армия революция галабаларини қаттиқ турib сақлаб қолдилар, душманларни тор-мор келтирдилар. Мамлакат хўжалик қурилишига киришди.

Халқ хўжалигини тиклаш ва биринчи беш йилликлар йилларида меҳнаткашларнинг оммавий қаҳрамонлиги жамиятимиз тарихидаги унутилмас саҳифаларнинг биридир. Совет кишилари кучларини ҳам, маблағларини ҳам аямай, маҳрумликларга оғир равишда бардош бериб, жон-жаҳдлари билан меҳнат қилиб, мамлакат қолоқлигини бартараф қилмоқ ва уни қудратли социалистик давлатга айлантирмоқ учун мардлик намуналарини кўрсата бердилар.

Фашист босқинчиларига қарши Улуғ Ватан урушида совет халқининг кўрсатган шижоати абадийдир. Бу уруш оғир ва қонли уруш бўлди, у талаб қилган қурбонлар чексиз бўлди. Лекин Октябрь революцияси вужудга келтирган Совет иктимоий ва давлат тузуми жуда қаттиқ синовларга бардош берди. Империалистик реакциянинг энг шафқатсиз кучлари, тараққиёт ва цивилизациянинг энг ёвуз душмани бўлган гитлерчилар фашизми тор-мор келтирилганлиги социалистик давлатнинг енгилмас қудратини яққол кўрсатди. Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги галабаси Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида социалистик революцияларнинг ривожланиши учун, миллий-озодлик ҳаракатининг қудратли юксалиши учун қулай шарт-шароит яратиб берди.

Социалистик тузумнинг кучи урушдан кейинги йилларда ҳам яққол намоён бўлди. Култепа ва вайроналарга айлантирилган шаҳар ва қишлоқлар жуда қисқа муддат ичида қайта қурилди. Уруш вайрон қилган хўжалик тўла равишда тиклаб олинди, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилди, мамлакат коммунизм қурилишини авж олдириш даврига кирди.

Мамлакатимиз олдига тарих қўйган жуда улкан вазифаларни ҳал этишда совет халқи фидокорлик, революцион уюшқоқлик, чидам, оғлги интизом ва саботли бўлиш намуналарини кўрсатди.

Чоризм турмаларида ва сургунларида ҳалок бўлган революцион курашчиларнинг, ленинчи большевикларнинг хотираси, социалистик революция ва граждан уруши халқ қаҳрамонларининг хотираси халқимиз учун ҳамиша муқаддас бўлиб қолажак. Оқ гвардиячилар, интервенциячилар, фашист босқинчилар қўлида ҳалок бўлган миллионмиллион энг яхши халқ ўғилларн ва қизларининг қони биз-нинг еримизда мўл-кўл тўқилган. Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ турib сақлаб қолган халқ ўғиллари ва қизларининг шуҳрати сира сўнмайди. Биринчи беш йилликларнинг, янги заводлар, колхозлар ва совхозларнинг мард бунёдкорлари ҳеч қачон унутилмайди. Ўз меҳнати билан совет жамиятининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтирган кишиларнинг ишлари абадий яшайди.

Халқимизнинг йўли улуғ йўлдир. Унинг шижоати улуғдир. У, келажак авлодлар учун, озодлик йўлини танлаб олганларнинг ҳаммаси учун абадий ўрнак бўлиб қолажак.

Социализм қизил байроғи диёримиз устида ярим асрдан бери голибона ҳилпираб турибди. Ярим асрдан бери совет халқи Маркс, Энгельс, Ленин идеяларини амалга ошириб келмоқда. У, кўп ишлар қилди, кўп нарсаларга эришди. **СССРда социализм батамом ва узил-кесил галаба қилганлиги ва коммунизм қурилишига ўтилганлиги — мамлакатимиздаги революцион қайта қуришларнинг энг муҳим натижасидир.**

Октябрнинг 50 йили ривожланиш суръатлари барқарор бўлган, энг янги техника билан таъминланган, энг мураккаб илмий техникавий проблемаларни ва халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилиб бера оладиган **йириқ социалистик саноатни яратиш** йиллари бўлди. Совет Иттифоқи қудратли индустриал давлатга айлантирилганлиги — ишчилар синфининг, бутун халқнинг энг катта галабасидир. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи биринчи беш йилликларнинг шонли меҳнат традицияларини авайлаб сақлаб келмоқда ва ривожлантирмоқда.

Октябрнинг 50 йили — қишлоқни кооперативлаштириш ленинча планини амалга ошириш, йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини вужудга келтириш йиллари бўлди. Колхоз тузумининг галабаси натижасида қишлоқ турмушининг укладида социал ўзгариш вужудга келди. Колхозчиларнинг моддий фаровонлиги кўтарилди, қишлоқ заҳматкашларининг сиёсий ва маданий савияси таққослаб бўлмас даражада ошди. Шонли колхозчи — деҳқонлар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмоқ, ватан бойлигини кўпайтирмоқ учун тинмай ғайрат сарфлаб меҳнат қилмоқдалар.

Октябрнинг 50 йили — халқнинг турмуш даражасини кўтариш йиллари бўлди. Меҳнат қилиш ва дам олиш, текин илм олиш, текин медицина хизматидан фойдаланиш ва пенсия билан таъминланиш ҳуқуқлари совет кишилари учун табиий ва одатий ҳуқуқлар бўлиб қолди. Социализм совет кишисини ўзининг эртанги кунига ишонадиган қилиб қўйди. У ишсизлик, зулм ва қашшоқлик ваҳимасини чекмайдиган бўлиб қолди. Социалистик жамиятда одамга ғамхўрлик, унинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия билан давлатнинг олий мақсадидир.

Октябрнинг 50 йили — маданий революция амалга оширилган йиллар бўлди. Социализм совет кишиларига илм ва маърифат келтирди, жамиятнинг маънавий турмушини беиҳтиёр баланд даражага кўтарди ва бойитди. Совет олимлари ўз халқига бажонидил хизмат қилмоқда. Совет фани ҳозирги замон фан ва техника тараққиётининг ҳамма соҳаларида ажойиб натижаларга эришди. Космосни ўзлаштиришда унинг хизмати жуда катта. Утмишнинг энг яхши муваффақиятларини ўзига сингдирган социалистик маданият, адабиёт ва санъат умумпролетар ишчининг ажралмас қисми бўлиб қолди, коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама мукаммал кишисини тарбиялашга актив ёрдамлашмоқда.

Октябрнинг 50 йили — халқнинг социал, сиёсий ва гоявий бирлиги ўсиб бораётган йиллар бўлди. Меҳнаткашларнинг туб манфаатлари муштараклиги негизида ишчилар синфи билан деҳқонларнинг социализм ва коммунизм қуриш учун олиб борилган умумий курашда вужудга келган ва жипслашган иттифоқи мустаҳкамланди.

Ватанимиздаги барча халқларнинг бузилмас социалистик қардошлиги қарор топганлиги Октябрь 50 йиллигининг якунидир. Эркин ва тенг ҳуқуқли рус, украин, белорус, ўзбек, қозоқ, грузин, озарбайжон, литва, молдаван, латиш, қирғиз, тожик, арман, туркман, эстон халқлари, барча миллатлар ва элатлар бузилмас Совет Социалистик Республикалар Иттифоқида жипслашдилар, бирталикда куч ва ғайрат сарфлаб социализм қурдилар, равнақ йўлига тушиб олдилар ҳамда экономиканд ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. СССР халқларининг қардош яхлит оиласида турib биз Октябрь галабаларини сақлаб қолдик ва ўзимиз танлаб олган йўлда жуда зўр натижаларга эришдик.

Иттифоқдош кўп миллатли социалистик давлат бўлган СССРнинг ривожланиш тажрибаси асрий миллий масалани ҳал қилмоқ учун социализмнинг моҳиятини ва аҳамиятини очиб бермоқда, пролетар интернационализми идеяларининг амалдаги тантанаси бўлмоқда.

(Охири иккинчи бетда).



Олмаота уйсозлик комбинатининг қурувчи ва монтажчилари куни-кечагина тўртта 80 хонали ва учта 40 хонали уйни фойдаланишга топширдилар. Суратда: Қозоғистонлик бинокорларнинг янги уйлари.

И. Глауберзон фотоси.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

(Бошы биринчи бетда)

Октябрнинг 50 йили — янги дунё кишиси, янги ахлоқ кишиси туғилган йиллар бўлди. Октябрь революциясининг ғалабаси билан хусусий мулкчилик дунёсининг ҳулқига ва ҳурофотларига қарши, унинг индивидуализмига, эгоизмига, ғаразига қарши кескин кураш авж олиб кетди. Социализм қуриш йиллари мамлакатимизда одамлар орасидаги муносабатлар характерини тубдан ўзгартириб юборди. Эски жамиятнинг инерция кучини ва индивидуалистик ҳулқларини социализм бартараф қилолмайди, деб умид қилган буржуа идеологларининг умидлари чилпарчин бўлди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ўзларининг сиёсий онгликлари, меҳнатга янгича муносабатлари билан юксак даражада камол топган, коллективизм ва ўртоқлик руҳида, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган одамлар бўгини ўсиб етишди. Революционер ва буюк ишимиз учун курашчи кишининг янги характери камол топди.

Социализм демократияси — энг кенг, энг ваколатли ва адолатли демократия бизнинг мамлакатимизда туғилди ва қарор топди. Революция вужудга келтирган Советлар ҳокимияти — халқ ҳокимияти ва халқ учун бўлган ҳокимият — давлатни, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок қилиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Социалистик жамият гражданлик шаънини ва инсон қадр-қимматини баланд кўтармоқда, одамлар олдига энг олижаноб мақсадларни қўймоқда ва коммунизм қуриш учун омманинг онгли ижодкорлик билан шуғулланишига бутун шарт-шароитни яратиб бермоқда.

Коммунизм мактаби, миллион-миллион меҳнаткашларни коммунистик қурилишга тортиш мактаби бўлган совет **касаба союзларининг** жамият қаётидаги роли ошиб бормоқда.

Партиянинг актив ёрдамчиси, совет ёшларининг йўлбошчиси ва ташкилотчиси **Ленин комсомоли** фаолиятининг миқёслари тобора катталашиб бормоқда. Совет тузуми ёшлар учун мардлик ва чиниқишнинг буюк мактаби бўлди.

Меҳнаткашларнинг кооператив, илмий техника, спорт ва бошқа жамоат ташкилотлари кенг ривож топди.

Социализм хотин-қизларнинг сиёсий ва иқтисодий тенг ҳуқуқлилигини таъминлаб берди. Октябрь революцияси натижасида хотин-қизлар янги турмушнинг актив иштирокчилари бўлиб қолдилар. Урush даврида ҳам, социализм ва коммунизм қурилиши йилларида ҳам шонли совет хотин-қизлари зўр мардлик, фидокорлик ва қунт билан ишлаш намуналарини кўрсатдилар ва кўрсатмоқдалар. Ҳамма жойда — саноат ва қишлоқ хўжалигида, маориф ва соғлиқни сақлашда, фан ва маданиятда, ёш авлодни тарбиялашда, давлатни идора қилишда хотин-қизлар коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бормоқдалар.

Октябрь революциясининг якунлари, тарих сабоқлари социализмнинг капитализмдан устунликларини яққол исботлаб турибди. Совет социалистик жамиятининг тараққиёти, у эришган натижалар социализмнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни планли ва самарали ривожлантиришни, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришни, меҳнаткашлар учун демократия ва чин озодликни таъминлаб берувчи ижтимоий тузум эканлигини амалда исбот қилди.

Жамиятни революцион тарзда қайта қуриш нақадар мураккаб ва ижодий иш эканлигини, бу жамият ўз ривожида қандай янги проблемалар ва вазифаларга, тарихий бурилишларга дуч келишини социализм қурилиши тажрибаси кўрсатиб берди.

Совет жамияти шиддатли синфий жангларда вужудга келди, ўсди ва мустаҳкамланди. Халқимиз Ленин партияси раҳбарлигида илмий социализм идеалларини амалда рўёбга чиқаришдан иборат жуда мураккаб вазифани ҳал қилар экан ҳали ҳеч ким юрмаган янги йўлдан борди. Совет ҳокимияти учун, социализм ғалабаси учун курашда ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар бир талай тўсиқлар ва тўғаноқларни бартараф этишга, мислсиз қийинчиликларни ўз елкасига олишга мажбур бўлдилар.

Пролетар революцияси аввал экономикаси қолоқ ҳамда империалистик уруш ва чет эл интервенцияси сабаби жуда мадордан кетган бир мамлакатда ғалаба қилди. Совет кишилари душман империалистик қўршов ва доимий қуролли интервенция ҳавфи шароитида социализм қурдилар. Мамлакатимиз бошига шафқатсиз ҳарбий синовлар тушиб кўпдан-кўп одамлар қурбон бўлди ва жуда катта моддий зарар етказилди.

Босиб ўтилган 50 йил мобайнида партия билан халқ зўр ғалабалар қувончининг гаштини ҳам сурдилар, жудоликлар, вақтинчалик муваффақиятсизликлар ва хатолар аламини ҳам тортдилар. **Бизнинг партиямиз ҳамма синовлардан тағин ҳам чиниқиб, тағин ҳам кучга тўлиб, букилмас революцион умидворлик ва улуғ коммунистик ишинг ғалабасига комил ишончи билан чиқдилар.**

Ҳозир ҳам бизда бир талай ҳал этилмаган проблемалар бор. Партия ишларнинг аҳволига сезгирлик билан баҳо беради, етилган масалаларни пайқаб олади ва бу масалаларни ҳал этиш учун ҳамма чораларни кўради.

Ижтимоий муносабатлар ғояси ва системаси бўлган социализмнинг улуғворлиги ва кучини яққол намоён қилган нарса шу бўлдики, биринчи социализм мамлакати ҳар қандай қийинчиликларга қарамай кўпчилик замондошларга бажариш ва эришиш мумкин эмасдек бўлиб кўринган ишларни амалга ошира олди.

Бизнинг мамлакатимиз тараққиётнинг шундай бир босқичига чиқиб олдики, бу нарса экономикани ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш вазифаларини тағин ҳам муваффақиятлироқ ҳал қилиш имконини беради. Социализм ҳамиша ривожланиб борувчи жамият бўлиб, ўзининг ҳужумкор тараққиёти жараёнида тобора янги-янги резервлар ва имкониятларни очиб бермоқда. Социализмнинг ана шу имкониятлари ва афзалликлари автоматик тарзда, ўз-ўзидан рўёбга чиқмай, балки миллион-миллион кишиларнинг онгли меҳнати натижасида рўёбга чиқади.

Янги жамият бунёдкори бўлган совет ишчилар синфининг роли жуда катта. Унинг тарихий бурчи Октябрь революциясини амалга оширишда ва социализм қуришда намоён бўлди. Ишчилар синфи — совет жамиятининг коммунизмга бориш йўлидаги энг илғор ва раҳбар кучидир.

Совет Иттифоқининг жаҳоншумул — тарихий ғалабалари марксизм-ленинизмнинг ишчилар синфининг тарихий роли тўғрисидаги, халқимиз Октябрдан бошлаб ана шу йиллар мобайнида КПСС раҳбарлигида, марксизм-ленинизм ғоллари байроғи остида бораётган йўлнинг тўғрилиги тўғрисидаги таълимотини батамом тасдиқлади. Коммунистик партия Ленининг улуғ байроғини баланд кўтариб бормоқда.

Энг қийин дамларда — Совет ҳокимияти учун кураш йилларида ҳам, меҳнаткашлар Лениндан жудо бўлган аламли кунларда ҳам, Улуғ Ватан урушининг оғир синовлари даврида ҳам — халқимизнинг ажойиб ўғил ва қизлари Ленин партиясига кириб, унинг сафларида ишчилар ишининг ғалабаси учун курашдилар. Ҳамиша ва ҳар ерда коммунистлар сира иккиланмай кураш ва қурилишнинг энг оғир участкаларига бордилар. Революцион кураш ва социалистик ўзгартишлар даврида партия хўжалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида ишловчи ходимларнинг жуда кўп кадрларини тарбиялаб етиштирди. Коммунистик партия ишчилар синфи билан, меҳнаткаш халқ билан, ижодкор халқ билан бир жон бир тандир, у ҳамиша халқнинг яқдил мададини сезиб турибди; меҳнаткашларнинг ишончи партия учун азиз, унинг халқ манфаатлардан бошқа манфаатлари йўқ.

КПСС Октябрнинг эллик йиллигига коммунистик қурилишга, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ўзининг бой тажрибаси билан қуролланган ҳолда келди. Партия троцкийчиларга, майда буржуа авантюристларига, ўнг оппортунистларга, миллатчи — оғмачиларга ва ленинизмга зид бошқа оқимлар ва гуруҳларга қарши олиб борилган муросасиз курашда ўзининг бош йўлини қаттиқ туриб сақлаб қолди.

КПСС марксизм-ленинизм принципларига қаттиқ ва изчил амал қилиб, Маркс—Энгельс—Ленининг назарий меросини доимо ривожлантириб ва бойитиб совет халқини коммунизм қуриш йўлидан комил ишонч билан олга бошлаб бормоқда, ўзининг совет халқи ташкилотчиси ва сиёсий раҳбари сифатидаги ролини муваффақиятли бажармоқда.

Улуғ социалистик революция партияси, бир вақтлар патриархал, уруғчилик укладидан тортиб, капиталистик укладгача бўлган ғоят хилма-хил социал-иқтисодий укладлар ҳукм сурган мамлакатга қурилган социалистик жамиятнинг раҳбар кучи бўлган КПССнинг тажрибаси жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир.

Коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда қардош мамлакатларнинг халқлари Совет Иттифоқидаги социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини эътибор билан ўрганмоқдалар ҳамда янги турмуш барпо этишда бу тажрибадан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Қардош партияларнинг социализм қурилишидаги қимматли тажрибасидан бизнинг мамлакатимизда кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Ўзаро мадад ва ёрдам, тажрибани ўзаро ўртоқлашиш тараққиёт йўлидан муваффақиятли суратда олга боришимизнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Октябрнинг 50 йили мобайнида жаҳон сиёсатида туб ўзгаришлар рўй берди. Бизнинг революциямиз ўзининг биринчи декретида — сулҳ тўғрисидаги декретида халқаро майдондаги талончилик ва зўравончилик сиёсатини қатъиян рад этди. Айни, Октябрдан сўнг жаҳон сиёсатида бир-бирига зид бўлган икки йўналиш, икки йўл, — социализм тимсолидаги тинчлик ва халқлар озодлиги йўли билан империализм тўқазаётган уруш ва асорат йўли вужудга келди.

Совет давлати халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги принципларини, тенг ҳуқуқлилик, суверенитет, ички ишларга аралашмаслик принципларини эълон қилди ва амалга ошириб келмоқда. Совет Иттифоқи Ленининг сулҳ тўғрисидаги декретидан бошлаб халқларнинг энг эзгу орзу — умидларига муносиб келувчи ташқи сиёсатини тўқазиб келмоқда. Бу сиёсат социализм ва коммунизм қуриш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб берувчи, социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамловчи, халқларнинг миллий ва социал озодлик учун олиб бораётган курашига ҳар томонлама мадад берувчи, ривожланаётган ёш давлатлар билан ҳамкорлик қилувчи, турли иқтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини изчиллик билан амалга оширувчи, инсониятни янги жаҳон урушидан қутқариш учун курашувчи сиёсатдир.

Совет халқи октябрнинг 50 йиллигини мамлакатимизнинг халқаро позициялари янада мустаҳкамланган бир шароитда нишонламоқда. Совет Иттифоқи ялпи тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигини ҳимоя қилишга, меҳнаткашлар оммасининг озодлик, тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига катта ҳисса қўшмоқда. Ярим асрдирки, Октябрь революцияси мамлакати жаҳон тараққиётининг олдинги сафида бормоқда. Бизнинг халқимиз юксак даражада ривож топган социалистик жамият марраларига чиқиб олиб ўзининг бутун дунёдаги социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига катта ҳисса қўшмоқда. Ярим асрдирки, Октябрь революцияси мамлакати жаҳон тараққиётининг олдинги сафида бормоқда. Бизнинг халқимиз юксак даражада ривож топган социалистик жамият марраларига чиқиб олиб ўзининг бутун дунёдаги социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига катта ҳисса қўшмоқда. Ярим асрдирки, Октябрь революцияси мамлакати жаҳон тараққиётининг олдинги сафида бормоқда. СССРда социализм ва коммунизм қуриш жаҳон революцион процессининг энг муҳим таркибий қисмидир. Эндиликда социализм жаҳон тараққиётига, аввало ўзининг ижобий намуна кучи билан таъсир тўқазмоқда. Унинг социализм идеалларига хизмат қилдирилаётган қудрати, унинг намунаси ва обрўси, унинг халқаро майдондаги активлиги жаҳондаги проблемаларни барча мамлакатлар меҳнаткашларининг манфаатларини кўзлаб ҳал этишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси жуда катта халқаро аҳамиятга эга. Бу революция дунёдаги тарихий воқеаларнинг боришини тезлаштириб юборди. Марксизм-ленинизм ғоялари, Октябрь ғоялари бутун ер юзига тарқалди, бу ғоялар халқларни золимларга қарши, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга отлантирди. Октябрь революциясининг ғалабалари дунёнинг ҳамма жойларидаги революцион ўзгаришларнинг қудратли базаси бўлди.

Европа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатларида ҳамда Америка қитъасида — Кубада социалистик революция ғалаба қозонганлиги, жаҳон социализм системаси вужудга келганлиги — жаҳонни революцион тарзда янгилаш соҳасида Октябрь бошлаб берган ишларнинг давомидир.

Октябрь революцияси социализм учун асосий курашчи ва байроқдор бўлгач, ҳозирги замонинг энг илғор ва энг жанговар синфий кучи бўлган **ишчилар синфининг жаҳоншумул тарихий роли очиб берди.** Бу эса халқаро ишчилар синфини ҳозирги даврнинг марказига чиқариб қўйиб унинг революцион ҳаракатига кучли стимул берди.

Октябрь революцияси миллий озодлик ҳаракатини ривожлантиришда бурилиш марраси бўлди. У, халқларни тўла равишда миллий озод қилишнинг реал имконияти борлигини исбот қилди, мустамлакачилик системасининг кризисини бошлаб берди ва миллий озодлик революциялари учун реал истиқбол очиб берди. Мустамлакачилик империяларининг емирилиши, илгари қул қилинган халқларнинг актив ва мустақил куч сифатида халқаро турмушга кириб келиши, уларнинг социал тараққиётга интилиши — мана шуларнинг ҳаммаси Октябрь революцияси билан, социализмнинг муваффақиятлари билан, жаҳон халқларининг синфий кураши ва империализмга қарши кураши билан чамбарчас боғланган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси:

Пролетариатнинг ва бошқа революцион кучларнинг социализм учун курашини мазлум халқларнинг миллий мустамлака асоратига қарши кураши билан қўшиб битта оқимга айлантирди. У, империализм устидан ғалаба қилмоқ учун, миллий ва социал эркинликнинг тантанаси учун ишчилар ҳаракатининг халқлар миллий озодлик ҳаракати билан иттифоқи ҳаётийлигини ва зарурлигини кўрсатиб берди,

Жаҳон халқларига жуда катта революционлаштирувчи таъсир тўқазди, барча мамлакатлар пролетариатининг жанговар жасоратини мустаҳкамлади, мазлум миллатларни уйғотди, кенг социал табақаларни актив сиёсий турмушга кўтарди. **Бутун дунёда ишчилар синфининг ва меҳнаткашларнинг уюшқоқлигини кучайтиришга жуда кўп даражада ёрдам берди,** бу эса Коммунистик партияларнинг ўсганлигида, касаба союзлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, жамиятнинг барча прогрессив кучлари тез ривожланиб бораётганлигида ўз ифодасини топди.

Октябрь революцияси ҳозирги кунда жаҳонни социалистик негизда революцион қайта қуриш учун қўрашда таъсири энг зўр сиёсий кучга айланган **ҳозирги замон жаҳон коммунистик ҳаракатининг бешинчи бўлиб қолди.** Коммунистик ҳаракат меҳнаткашларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ва изчиллик билан ҳимоя қилишга ўзининг қодир эканлигини исбот этди. Ҳозирги замон коммунистик ҳаракатининг стратегия йўли Коммунистик ва ишчи партиялар ваКиллари Москва кенгашларининг декларация ва баёнотида белгилаб берилди. Бу ҳужжатларга содиқлик марксчи-ленинчи партияларнинг энг муҳим белгисидир.

Ярим асрлик тарих марксизм-ленинизмнинг ҳақлигини ва ҳаётийлигини, реформизм ва социал демократизмнинг ожизлигини исбот қилди. Тажриба шуни яққол кўрсатиб турибдики, марксизм-ленинизмга оғишмай амал қилаётган Коммунистик партиялар муваффақият қозонмоқдалар, марксизм-ленинизмни қандай бўлмасин ревизия қилиш ва марксизм-ленинизмни сохта революцион дабдабали гаплар ва догмалар билан алмаштиришга қаратилган ҳар қандай уриниш муқаррар муваффақиятсизликка учрамоқда.

Социализм билан капитализм ўртасида, тараққиёт кучлари билан империалистик реакция ўртасида муросасиз кураш бормоқда. Империализм тарихни тўхтатиб қолишга, революцион озодлик ҳаракатининг қудратли оқимини тўсиб қўйишга уриниб, бу йўлда ҳар қандай ёвузликлар қилишдан қайтмаётир. Америка империализми жаҳон жандарми бўлиш вазифасини ўз устига олиб, дунёнинг турли районларида игвогарликларини кучайтирмоқда. АҚШ империалистлари Вьетнам халқига қарши босқинчилик урушини бошлаб юбордилар, халқлар эркинлиги ва мустақиллигини бўғишга, ўз ҳукмронликларини ўрнатишга уринмоқдалар.

Бу эса агрессорларга кескин зарба бермоқ учун, империализмга қарши қурашмоқ учун барча революцион ва прогрессив кучлар бирлигини мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Революцион кучларнинг миллий вазифаларини уларнинг интернационал вазифаларидан ажратиб бўлмайди, деган маркса-ленинча қонданинг мустаҳкамлигини ярим асрлик тажриба яққол кўрсатиб турибди. **Пролетар интернационализмига содиқлик — ҳар бир айрим мамлакатда ва халқаро миқёсда революцион ишни муваффақиятли равишда олга силжитишнинг гаровидир.**

Совет Иттифоқи империализмга қарши курашнинг олдинги сафида турибди. КПСС ўзининг интернационал бурчини муқаддас бурч деб бажариб, социалистик системанинг жипслигини ва қудратини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг жипслигини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида мустаҳкамламоқ учун бутун куч ва ғайратини сарфламоқда, пролетариатнинг капиталистик қулликка қарши революцион курашини қўллаб қувватламоқда, мустамлакачилик асоратига ва янги мустамлакачиликка қарши қурашаётган халқларни қўллаб-қувватламоқда, миллий озодлик кучлари билан иттифоқни мустаҳкамлаш йўлини оғишмай ўтказиб келмоқда.

Советлар мамлакати вужудга келган биринчи кунларданоқ бутун дунё пролетариати билан, меҳнаткашлари билан интернационал иттифоқ бўлиб турибди. Бу иттифоқ биринчи социализм мамлакати учун ҳам, шунингдек бутун халқаро революцион ҳаракат учун ҳам кудратли куч манбаидир.

Совет коммунистлари, бутун совет халқи чет эллардаги ўз қардошлари бераётган интернационал мададни юксак даражада қадрламоқдалар. Меҳнаткашларнинг биринчи ватанини сақлаб қолишда қўлларига қурол олиб қатнашган минг-минглаб интернационалистлар совет кишиларининг хотирасидан асло ўчгани йўқ. «Совет Россиясидан қўлингни тort!» шиори остида бошланган қудратли ҳаракат интернационал бирликнинг рамзи бўлиб қолди. Совет халқи уларнинг СССРда социализм қуриш йилларида ўзи билан бўлган қардошларча бирдамлигини, Улуғ Ватан уруши йилларидаги бирдамлигини асло унутмайди. Улуғ Ватан уруши йилларидаги бу бирдамлик фашизмга қаршилик ҳаракати билан қўшилиб кетди.

Халқаро революцион ҳаракат ўсиб бораётганлиги, бутун дунё ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг советлар мамлакатига хайрихоҳлиги ва мадади халқимизни коммунизм ғалабаси учун қурашда руҳлантирмоқда. Партиямиз ва халқимизнинг синфдош қардошлар билан, тинчлик, демократия ва социализм иши учун муштарак қурашдаги ўз қардошлари билан интернационал бирдамлик ва дўстлик ҳислари юксак даражада ривожланган.

Октябрь социалистик революциясининг, жаҳон революцион ҳаракатининг тарихий тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибдики, меҳнаткашларнинг туб манфаатлари, ҳар томонлама социал тараққиёт фақат социализмга олиб борадиган йўлдагина рўёбга чиқарилиши мумкин, энг кенг халқ оммаси билан иттифоқ тузаётган ишчилар синфи ҳозирги замон тарихининг ҳаракатлантирувчи асосий кучидир, марксизм-ленинизм халқаро ишчилар синфининг, жаҳон социализмининг бирдан-бир илмий, чинакам революцион идеологиясидир, барча мазлум миллатларга ва халқларга социал ва миллий озодликни, тенг ҳуқуқлилик ва янги ҳаётий кучни социализм олиб келмоқда.

Коммунистик партия, совет халқи эришилган муваффақиятлар учун қонуний ифтихор ҳислари билан, келажак истиқболларини равшан кўриб турган ҳолда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёрланмоқдалар.

КПСС XXIII съезди мамлакатимизнинг коммунизм сари ҳаракатида муҳим босқич бўлди. Партия съезди чуқур илмий анализга асосланиб, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичдаги бош вазифаларни белгилаб берди. Партия ва давлат турмушининг ленинча нормаларини барқарор қилиш ва ривожлантириш, ишда коллективлик принципларини такомиллаштириш, партия ички демократиясини ривожлантириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш, халқ хўжалигига раҳбарлик методларини яхшилаш борасидаги энг муҳим чораларни партия ишлаб чиқди ва бу чораларни амалга оширмоқда.

Партия XXIII съезднинг эндиги йиллар учун белгилаб берган вазифалари ва планлари совет кишиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Октябрь революцияси йилликларини байрам қилиш совет кишиларининг традицияси бўлиб қолди. Ҳар бир совет кишиси, ҳар бир оила революция байрамини энг қувончли, энг катта ва унутилмас воқеа тариқасида нишонлаяпмоқда. Лекин Октябрнинг 50 йиллиги алоҳида байрамдир. Шу юбилей кунлари партиямиз ва совет халқи бутун бир тарихий даврнинг ичида босиб ўтган йўлни якунлайдилар. Биз ўтмишнинг моҳиятини бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини олдимизда турганлигини чуқур англаймиз. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш, Маркс, Энгельс, Ленин таълимотига, Коммунистик партияга, совет халқига янги ғалабалар келтиради.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги меҳнаткашларнинг энг катта байрами қилиб, СССРдаги ҳамма халқларнинг шонли байрами қилиб, Октябрь ғояларининг, коммунизм ғояларининг тантанаси қилиб ўтказилсин. Диққат ва эътиборни ҳаётимизнинг вазифаларга тўплаш, улуғ революция йиллигини байрам қилишнинг энг яхши усулидир, деб В. И. Ленин айтган сўзларни эсда тутиб, КПСС Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларига КПСС XXIII съезди белгилаб берган планларни амалга ошириш учун қурашни тағин ҳам кенг авж олдиришни, меҳнаткашларнинг куч ва ғайратини қўйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга йўллашни тавсия қилади:

Саноатни яна анча ўстириш, фан ва техника муваффақиятларидан бутун чоралар билан фойдаланиш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системаларини яхшилаш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалигининг муттасил тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш.

Халқ турмушининг моддий даражаси ва маданий савиясини янада анча юксалтириш, шаҳар ва қишлоқда уй-жой ва маданий-маиший қурилишни кенгайтириш.

Социалистик демократияни янада такомиллаштириш, меҳнаткашлар депутатлари советларининг ролини ошириш, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда уларнинг ваколатларидан тўлиқ фойдаланиш, ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида меҳнаткашларнинг активлигини ривожлантириш, ижроия органларининг, депутатлар ва мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги масъулиятини кучайтириш.

Турмушнинг социалистик нормаларини мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг революцион традицияларини бойитиш, одамларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида ҳар томонлама коммунистик руҳда тарбиялаш.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан ташкилий ва сиёсий ишни кенг авж олдириш тавсия қилинсин.

Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик қўриш билан боғлиқ бўлган масалаларни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, область, ўлка, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнаткашларнинг коллективлари муҳокама қилишларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Ҳар бир область, район, ҳар бир корхона, совхоз ва колхоз байрамга тайёргарлик кўриш учун ўзларининг конкрет планларини тузиб олишлари лозим.

Меҳнаткашлар орасида олиб борилаётган сиёсий ишларда Октябрнинг мамлакатимиздаги революцион қайта қуришдан ўтган йўлдан жаҳоншумул тарихий аҳамиятини, унинг жаҳондаги процессларга, бошқа мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалабасига бўлган таъсирини чуқур очиб бериш, социализмнинг капитализмга нисбатан туб афзалликларини кенг кўрсатиб бериш зарур.

КПССнинг илмий коммунизм идеяларининг ғалабаси учун, марксизмга зид оқимлар ва оғмачиликларга қарши, партия ленинча сиёсатининг тантанаси учун олиб борган тарихий курашини ҳар томонлама кўрсатиб бериш керак.

Октябрнинг 50 йиллигига тайёрланиш ва уни байрам қилиб ўтказиш халқнинг революцион ва меҳнат традицияларини, социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализмини янада ривожлантириш, меҳнаткашларда юксак маънавий хислатларни, коммунистик идеалларга содиқлик, гражданлик, буржуазия идеологиясига нисбатан муросасизлик ҳисларини, социалистик ватан манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйиш қобилиятларини — социализм ғалабаларни қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш қобилиятини тарбиялаши лозим.

Юбилей йилини байрам қилишга тайёргарлик кўришда актив қатнашишга кекса большевикларни, Октябрь иштирокчиларини, граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранларини, меҳнат ветеранларини кенг равишда тортиш керак.

Саноат, транспорт корхоналари ва қурилишлардаги ишчилар коллективларининг, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун, Октябрь революциясининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани бошлаб юборишга қаратилган ташаббуси маъқуллансин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, партия комитетларига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларига ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулотнинг техникавий даражасини ҳар томонлама ошириш ва сифатини яхшилаш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини саноатга ва қишлоқ хўжалигига жорий қилиш, ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш, социалистик меҳнат интизомини ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани авж олдира бериш тавсия этилсин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг шавкатли меҳнат рамзи сифатида эсдалик байроқлари ва умумиттифоқ мукофотлари таъсис этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Октябрь 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа натижалари якунланиб бўлганидан кейин эсдалик байроқлари ўз мажбуриятларини бажаришда энг юксак натижаларга эришган саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, коллективларида, колхозлар ва совхозларда абадий сақлаш учун қолдирилади.

ВЦСПСга, касаба союзларнинг комитетлари ва советларига касаба союз ташкилотларини Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда кенг қатнаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия қилинсин. Касаба союз ташкилотлари ишчи ва хизматчиларнинг социалистик мусобақадаги, коммунистик меҳнат ҳаракатидаги ташаббускорлигини қувватлаб, авж олдира берсинлар, меҳнатнинг ташкил этилишини, меҳнаткашларнинг турмуши ва дам олишини яхшилаш ишларини кучайтирсинлар.

ВЛКСМ Марказий Комитетига Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик кўришда комсомолларнинг, ёшларнинг иштирок этиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия қилинди. Комсомол ташкилотларининг иши ёш авлодни Улуғ Октябрнинг революцион традициялари руҳида, В. И. Ленин васиятларига, Коммунистик партия ишига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилиши лозим. Ёшларда социалистик ватаннинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш иштиёқини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш лозим.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига кўча ва майдонларни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, хиёбон ва парклар барпо этиш юзасидан кенг программа белгилаб олган маҳаллий советлар, меҳнаткашлар коллективларининг ташаббуси маъқуллансин.

Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган ва шу байрам ўтказилаётган кунларда революция иши учун, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашда ҳалок бўлган кишиларнинг хотираси умумхалқ миқёсида нишонлансин, кекса большевиклар, революциянинг, гражданлар урушида ва Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, беш йилликларнинг қаҳрамонлари, социализм қурилишининг актив иштирокчиларини шарафлашга бағишлаб йиғилишлар ўтказилсин.

«Правда», «Известия», «Экономическая газета», «Сельская жизнь», «Советская россия», «Труд», «Комсомольская правда» газеталарининг редакциялари, «Коммунист», «Партийная жизнь», «Агитатор», «Политическое самообразование» журналларининг редакциялари, марказий, республика, ўлка, область, шаҳар ва район газеталари ҳамда журналларининг редакциялари, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение комитети ҳамда унинг маҳаллий органлари Октябрь революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик қандай бораётганлигини батафсил ёритиб борсинлар. Матбуотда, радио ва телевиденияда партиямизнинг шонли революцион фаолиятини, Совет давлати ва ижтимоий тузумининг муваффақиятларини, социалистик демократия афзалликларини, СССР халқларининг дўстлигини, халқнинг мардлиги ва қаҳрамонлигини акс эттириш, совет кишиларининг фидокорона меҳнатини кўрсатиб бериш, уларни янги-янги меҳнат шижоатларига руҳлантириш лозим.

СССР Министрлар Советининг фан ва техника давлат комитети ҳамда иттифоқдош республикаларнинг министрлар советлари Совет республикаларининг муваффақиятларини кенг кўламда кўрсатсинлар, шу мақсад учун виставкалар ва бошқа имкониятлардан фойдаланинлар.

СССР Фанлар Академиясига, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтига, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар Академиясига, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабига, ВЦСПСга, СССР маданият министрлигига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитетига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Министрлар Советининг профессионал-техника таълими давлат комитетига, СССР алоқа министрлигига, бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесига, СССР Ёзувчилар союзи, СССР рассомлар союзи, СССР композиторлар союзи, СССР кинематографиячилар союзи, СССР журналистлар союзи, СССР архитекторлар союзининг правленияларига, СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи марказий советига Октябрь революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик юзасидан кўриладиган тадбирларни амалга ошириш, жумладан, қуйидагиларни назарда тутиш тавсия қилинди:

Илмий ва оммабоп тарихий, социал-иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, бадиий ва болалар адабиёти асарларини тайёрлаб, босиб чиқариш; бу асарларни ёзишга кекса большевиклар, революция, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранларини, меҳнат қаҳрамонлари, таниқли олимлар ва жамоат арбоблари жалб этиш нашрларнинг юксак ғоявий ва бадиий савияда бўлишини таъминлаш.

Меҳнаткашлар ўртасида кенг кўламда лекциялар, докладлар ва суҳбатлар, назарий конференциялар, революция, меҳнат ветеранлари ва уруш ветеранлари билан учрашувлар ўтказиш, тарихий-революцион жойларга экскурсиялар, дўстлик ва интернационал бирдамлик кечаларини ташкил этиш.

Тарихий — революцион, илмий-ҳужжатли, бадиий фильмлар ва телевизион программалар тайёрлаш ва чиқариш.

Энг яхши фан, техника муваффақиятлари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг юбилейига бағишланган илмий ишлар, адабиёт ва санъат асарларининг конкурсларини ўтказиш.

Юбилей спектакллари, тасвирий санъат ва халқ ижоди асарлари виставкаларини тайёрлаш, адабиёт ва санъат декаларини ўтказиш, бад

Адабиёт саҳифаси

УЧ ШЕЪР

АНҲОРГА БОҚИБ...

Анҳор бўйидаман. Латиф манзара.
Сувлар чопишади тошларни ўпиб.
Тўлқинга қўшилмай, лоқайд, бепарво
Қалқийди сув узра бир неча кўпик.
Зумрад сувлар эса, шовуллаб, чопиб
Аниқ манзил сари оқиб ётади.
Сарсон кўпикларга қарайман шошиб
Қиргоқни ўпканча қолиб кетади...
Ҳеч қўшилмас экан кўпик оқимга,
Тилак қайда унда, йўл қайда аниқ!
Шунчаки, «тўғилиб» «улар» ялт этиб,
Гумбурлаб тоғлардан йўлга чиққан сув
Югурар ҳар томчим бир ўт бўлсин деб.

ИККИ НАРСА

Мен сени ёр этиб, рубоб тутган кун
Онт ичдим халойиқ базми-жамшидда.
Дедимки: шу қутлуғ икки нарсага
Бу жонимни тиқиб, дегайман битта.
Юракдан меҳрингни кўчира билмас
На бўҳтон, на офат, на олов-қўрқинч.
Тилимдан қўшиқни ўчира билмас,
На ваҳма, на хорлик, на жангу — қилич.

КАЛИТ

Дунёни қулф-калит омон сақламиш,
Кичкина бир темир — ишончга она.
Олтинлар, ғазналар, тарихи — тандир,
Ва, ҳатто ёнилғи, тўпу-тўпхона...
Инсон таскин топмиш, кичик калитдан,
(Минг йиллар шу зайл авлоди одам).
Гоҳи, қўрқиб кетаман, атом асрида
Ишониб бўлмас деб калитга мудом.

Мурод ҲАЛИЛ.
Бухоро

МАЙМУН ВА МЕҲНАТ

Қадим ўрмонзорда, изғиб уззу-кун —
Яшарди Маймун.
Боёқиш махлуқда йўқ ҳеч фаросат,
На у ёқ-на бу ёқ—нуқул аросат.
Ақлдан бебаҳра, ношуду-дудуқ
Кўрганда кулади ҳар қандай махлуқ.
Ёзда жазирама, қишда совқотар,
Йиртқичлардан чўчиб дарахтда ётар.
Шохдан-шохга сакраб доим ёзу-қиш,
Ташвиши — ўзига топмоқлик емиш.
Не вақтлар қийналди маймун бечора,
Сўнг излайбошлади дардига чора.
Таёқдан ясади ўзига қурол,
Емишини тополди энди бемалол.
Тошни-тошга уриб чиқарди олов,
Ҳам иссиқ, ҳам яқин келолмайди ёв.
Ўзига ин қурди баландда ғордан,
Бири-бирисига беришиб ёрдам,
Тинмай меҳнат қилди қабарди қўли,
Фикирлай бошлади, айланди тили.
Қанча сувлар оқди, қараса бир кун —
Одамга айланиб қолибди маймун!
«Нимаси яхшилик бунинг! Эски гап»,—
Дея елка қисиб, бурманг дарров лаб.
Ҳа, меҳнат маймундан яратган инсон,
Аммо учраб қолар баъзилар ҳамон:
Одам бўлатуриб, қочиб меҳнатдан —
Маймунга айланмоқ бўлар бошқатдан!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

РАҚҚОСА. А. Тўраев фотоэтюди.

СЎНМАС ГУЛХАН

Оқшом чоғи атрофга боқсам,
Зиё оқар яқин-йироқдан.
Гул шаҳарлар, кўрпам қишлоқлар,
Нур таратар минглаб чироқдан.
Тун қўйнида кўзимни олса
Чироқларнинг нурли гулшани.
Завқ-ла дейман: булар Ильичнинг,
Еқиб кетган сўнмас гулхани.

Б. РИЗО.

ПОЕЗД ЕЛАР...

Поезд елар тинмай,
Битмас бардоши.
Қўлма-қўл узатар дарёлар, чўллар,
Юзлаб бекатларда тўхтаб олар тин,
Гўё орқалаган дунё ташвишин...
Кўпларни у, узоқ соғинчдан,
Она қишлоғига етказар хушнуд.
Кимларнир энтиқиб тенгсиз севгидан
Ерини кутади, титрайди вужуд.
Поезд елар,
Ҳансираб келар,
Қайноқ қучоқ очиб қаршилар вокзал.
Муҳис онажоним кўзида умид,
Ўқишга кетган ўғлини эслар
Поезд тўхтаса чиқириб ҳар гал.

М. ТЎХТАСИНОВ.

ЁЗУВЧИЛАР — ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА

Ўзбекистон ёзувчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб асарлар яратмоқдалар. Халқимизнинг бахтини, саодатини, орзу-режаларини, юрак туйғуларини китобларда акс эттирмоқдалар.

Шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ижодини ҳамма билади. Унинг Москвада нашр қилинган «Дар долины» («Водий армуғони»), «Куйларим сизга» китоблари бутун мамлакатимизга машҳур бўлиб кетди. Шоира халқ ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам уни 6 январда Ўзбекистон Ёзувчилар Союзида бўлган қалам соҳиблари анжуманида шоирага нисбатан катта ишонч ва ҳурмат кўрсатилди. Уни СССР Давлат мукофоти лауреатлигига тавсия қилинди. Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Лазиз Қаюмов, Иброҳим Раҳим, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, А. Удалов ва бошқалар Зулфия ижоди ҳақида гапирдилар.

Москва нашриётларида ўзбек ёзувчиларининг асарлари рус тилида нашр қилинаётганлиги ҳақида филология фанлари доктори Лазиз Қаюмов гапирди. Шу кунларда Москва нашриётларида Ойбек, Парда Турсун, Саид Аҳмадларнинг асарлари рус тилида нашрга тайёрланмоқда. Шуҳрат, Иброҳим Раҳим, Мумтоз Муҳамедовнинг ҳарбий темада ёзган асарлари «Воениздат» нашриётида босмага тайёрланмоқда.

Улуғ Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи 1967 йил май ойида ўтадиган бўлди. Шу муносабат билан Москванинг машҳур таржимонлари Л. Пенковский, С. Липкин Навоийнинг асарларини Москвада нашр қилиш устида ишламоқдалар. «Искусство» нашриётида Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» асари рус тилида нашрга тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи президиумининг кўпчилик ёзувчилар қатнашган бу йиғилишида машҳур болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг 60 йиллик юбилейини ўтказишга қарор қилинди. Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун раислигида юбилей комиссияси тузилди.

Марҳум шоир Темир Фаттоҳ ва Аҳмад Бобожоновларнинг асарлар томлигини тайёрлаб, нашр қилиш «Тошкент» нашриётига топширилди.

Ёзувчилар Союзи аъзолари етук қаламкашлар ҳисобига ўсмоқда. Шу йиғилишда болалар ёзувчиси, моҳир педагог Раҳмат Азизхўжаев ва адабиётшунос Адҳам Акбаров Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи аъзолигига қабул қилинди.

Ҳ. ЮСУПОВ.

Яхши

Яқингинада қудратли тракторларнинг ҳайқириғи тинган далаларда яна қайтадан ҳаёт жонланиб кетди. Деҳқонлар енг шимаришиб ишга киришган. Бир томонда ариқ зовурлар қазилиб, суғориш тармоқлари тартибга солинмоқда, бир томонда қиз-йигитлар ерни унумдор қилиш пайида маҳаллий ўғит жамғаришяпти. Устахонада эса, механизаторлар гавжум, техниканн кўкламга шай қилишмоқда.

Ҳаммадан ҳам экин майдонларини карталарга бўлиб пол олаётган, Бекобод шамоли инжиқликларини енгиб сув етаклаётган кишиларнинг меҳнати кўнгилни хурсанд қилади. Улар: пахта майдонларимизнинг шўри ювилсин, да етарли нам тўплансин, деб астойдил бел боғлаганлар.

Кесакларни ивитиб, тупроққа сингиб бораётган қиш сувининг ҳосилдорликни оширишда жуда катта нафи бор. Шўрдан халос бўлган ерда ўсимлин касалликка чалинмайди, ҳашаротларнинг тухуми қурийди, бегона ўтларнинг илдизи чиришди.

— Утган йили ҳам пахта майдонларига яхоб бериб, кўзлаган мақсадимизга эришдик, — дейди колхоз раиси ўртоқ Э. Хатамов.

«Победа» колхозида бу йил 400 гектардан ортиқ пахта майдонининг шўрини ювиб, ерда етарли нам тўплаш планлаштирилган. Шу кеча-кундузда ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида кураш кетяпти.

Суратда: Бекобод районидаги «Победа» колхозида ернинг шўрини ювиш пайти.

А. Абалян фотоси.

Яккақайрағоч

Босит ХАЛИЛОВ

Омонов тинимсиз дурбин билан чор атрофни кузатарди. Бирдан у орқадаги душман ётган тоғ тепасидан катта харсанг тошни юмалаб тушаётганини кўриб қолди. Зарб билан баланддан тушаётган тош яна қанча тошларга урилиб бутун бир тоғни кўчириб юборгундай даҳшат билан гумбирлаб туша бошлади. Бир зумда тоғ оралиғини чанг-тўзон, тошларнинг шалдираган овозлари босиб кетди. Пистирмада ётган ва тинимсиз ўқ узаётган душманнинг уни ўчиб қолди. Хийладан кейин, чанг-тўзонлар босилгандан сўнг ҳамма пистирмада ётган душман ўрнида тош уюмлари қалашиб ётганини кўрди. Бу қандай мўъжиза бўлди? Олдиндан ҳужум қилиб келаётган душман ҳам тоғдан тош ёғилиб тушиши билан қочиб кўздан ғойиб бўлган эди.

Омонов солдатларни тўплади. Ярадорларни аниқлади. Бироқ, сафда ҳамон Ғанижон кўринмасди. Ҳозир ё олдинга ёки орқага қараб кетишини билмай турган Омоновнинг кўзи тоғдан тушиб келаётган Ғанижонга тушди. Ҳамма жангдан қочиб кетган қўрқоқ деб ўйлагани учун унга газаб билан тикилиб жим турарди.

— Қаёқда қолдингиз? — Омонов эндигина етиб келган Ғанижонга қовоғини солганча қараб зарда билан сўради. Ғанижон сафда турганларга бирма-бир қараб чиқди. Уларнинг юзида, кўзида ўзига нисбатан қандайдир қаҳр-газаб ўтлари ёнаётганини сезиб ҳайрон бўлди. Илгари улар унга сира шу зайлда қарашмасиди. — Қаёққа қочган эдингиз, сиздан сўраяпман?! — Омоновнинг овози яна қўлоқларининг тагида жаранглади.

— Қочганим йўқ, тош юмалатгани кетган эдим.

— Тош юмалатгани?

Турганлар ажабланиб бир-бирларига қарашди. Елкаларини қисишди. У сўзида давом этди:

— Қарасам, аҳвол чатоқ. Орқамиздан ўқ отилиши билан уларнинг ҳийлаларини тушуниб олдим. Бирдан эсимга ота-боболаримизни шу ерда ёвни тош юмалатиб енгганлари тушди-да, тоққа тирмашдим.

Сафда турганларнинг кўзларидаги ҳалиги нафрат аломатлари йўқолиб кетди. Омонов Ғанижонга узоқ тикилиб тургач, қулоқларини ёзиб, қаттиқ қучоқлади, юзларидан ўпди. Отрядни фалокатдан қутқариб қолишда кўрсатган бу маҳорати учун ҳамма Ғанижонни қайта-қайта олқишларди. Бу ўзига хос ғалати жанг ҳамон солдатларнинг эсида. Улар буни унутмаган эдилар. Баланд тоғ тепасида кучли бўрон бошланганда шу жангни ҳамма эслади. Аввалги жангда-ку тош юмалатиш билан отрядни омон сақлаб қолган эди. Лекин, ҳозир бўронга қарши Ғанижон нима чора топар экан, деб ўйлади ҳамма. Барчанинг кўзи Ғанижонда эди.

— Кеч бўлмасдан тезроқ пастга тушиб олиш керак.

Ғанижоннинг дамба-дам таъкидлаб, айтган гапларига отряд командири ҳам итоаткорона қулоқ солди. Солдатларни бехатар ерга эсон-омон етказиб олишга ошиқарди. Қизил аскарлар жанг қилиб душман тўдаларини бир неча ҳафта мобайнида қишлоқдан суриб чиқариб дам бермай, изма-из қувиб келган, ўларни хатарли тоғлар қучоғига улоқтириб ташлаган эдилар. Лекин тоғдан қайтиб тушишни бунчалик кийин ва қалтис эканлигини ҳатто ҳаёл ҳам қилиб кўрмаган эдилар. Тоққа чиқишда улар ҳар ўнгирга пистирма қўйиб, қарши зарба беришга ҳаракат қилган қуролли ёвуз душман билан курашиб, жанг қилиб борган бўлсалар, пастга тушишда эса, табиат инжиқликларига қарши кураша бошлаган эдилар.

Ғанижон бу йўллардан кўп юрганди. Кун исиб пастдаги яйловларда ўтлар тамом бўлган авжи ёз пайтларида бойларнинг қўйларини шу тоғ атрофидаги ўтлоқ ерларга ҳайдаб келинарди. Бирикки ой ўтар-ўтмас яна пастга тушиб кетишарди. Бу ерларнинг ёзи шундай қисқа, ҳаш-паш дегунча ўтиб қиш бошланиб кетарди. Ҳозирги қорли бўрон қишнинг бошланиши эди. Тоққа чиқиб боришда тор, бир томони баланд тоғ, иккинчи томони тегиб кўринмайдиган жарлик йўллардан ўтиб боридган эди. Ҳозир бундай йўллардан ўтиш ниҳоятда хавфли бўлганидан Ғанижон бошқа томондан юра бошлади. Бу йўл олисроқ бўлса ҳам бир нави бехатар эди. Отряд Ғанижон бошлаган йўлдан олдинга қараб ҳаракат қиларди. Атрофда қордан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Егиб турган кор худди тўр пардадай атрофларни тўсиб турарди.

— Энди марра бизники, — деди Ғанижон кор сийрак ёғаётган, бўрон ҳийла пасайиб қолган жойга етганда, — бир пасдан кейин ёз ҳам бошланади.

— Рост биланми? — сўради командир.

— Мана бу ўнгирдан ошиб ўтсак, нарёғи ёз.

Солдатлардаги ташвиш йўқолди. Бу сўз уларнинг чеҳраларини очиб юборди. Чарчаганларини ҳам, совуқ еганларини ҳам сезмагандай, жадал боришарди улар. Умид уларга жасорат ва куч бағишлаганди. Ғанижон айтган ўнгирдан ошиб ўтиш осон бўлмади. Қанча отлар йиқилди, солдатлар отдан юмалаб тушди. Лекин улар буни писанд қилмагандай борардилар. Ниҳоят ўнгирдан ошиб ўтиш билан қор тўхтади, қуёшнинг ҳаётбахш нури кўзларни тиндира бошлади. Чеҳралар очилиб кетди. Ҳийладан кейин жуниккан баданлар қуёш ҳарорати билан яйраб бошлади. Улар борган сари ям-яшил гўзал водий қўйнига кириб борардилар. Оғир жанглардан ғалаба билан душманни тор-мор келтириб, қайтаётган отряд тоғ бағридаги кичик бир қишлоққа етгандагина дам олиш учун тўхтади.

Оппоқ соқоллари кўксини қоплаган Анорқул бобо кулранг, учи чўққи қалпоғи билан устидаги шинелини ечган йигитни ўзбекча чопонда кўриб ҳайрон бўлди-да, йигитнинг юзларига тикилганича қолди. Буни сезган йигит чолга мулойим кулиб қаради.

— Ассалому алайкум отахон.

— Ваалайкум ассалом, но, ўзимизнинг ўзбек экансизку, болам, — деди чол ажабланиб. Йигит яна кулди.

— Бўлмаса бегона бўлармидик.

Чол тагин нима ҳам демоқчи бўлди-ю, ҳайиқиб тўхтади. Йигитга синовчан назар ташлаб қараб турди. Йигит чолнинг гумонсираганини пайқаб жўрттага гапни бошқа томонга бурди.

— Отахон, бу ердан қатиқ топиладими?

— Қатиқ дейсизми? Сут, қатиқ анқога шафе бўлиб кетган, ўғлим.

Ғанижон чолга тикилганича жим қолди. Ниҳоят ўз қишлоғини эслаб ерга тикилганича гапира бошлади.

— Бизнинг қишлоқлар ҳам худди шундай, Е сигиридан, ё бузоғидан ажрамаган одам йўқ. Энди, отахон, халқ бошига қанча қулфатлар келтирган қузғунлар йўқ. Уларни ҳов анави борса келмас тоққа қувиб юбордик.

Йигитнинг бу сўзи чолга анча далда бўлганиданми у ечилиброк гапира бошлади.

— Қайтиб келишмасмикин?

— Йўқ, отахон, қайтиб келишолмайди. Энди омон-омон.

— Илойим, илойим, айтганингиз рост бўлсин, тилингизга шакар, ўғлим. Халқ бошидаги фалокатларнинг аригани, балоларнинг кўтарилгани рост бўлсин.

Чол яна нималарнидир айтмоқчи бўлди-ю, лекин бу нотаниш йигитдан ҳайқидими, тўхтаб қолди. Буни пайқаб турган Ғанижон сўзини давом эттирди.

— Эй, отахон, шунча оҳ-воҳлар, кўз ёшлар етар. Қанча болалар етим, аёллар тул қолди. Айтингчи, уларнинг гуноҳи нима?

Чол ҳам кўкрагидаги ҳасратларини ичига сиғдиролмай қолдими, очилиброк дард билан, алам билан эзилиб гапира бошлади.

— Токайгача зулматда яшаймиз болам. Улар мусулмонмиз дейишади. Ахир ўша мусулмонлардан кофирлар минг марта тузук. Бировларнинг молига, жонига қасд қилиш, пардада ўтирган қизларни олиб қочиш ҳам мусулмончиликми?

Бу гаплар йигитнинг дилини тирнаб, уни чуқур ҳаёлларга кўмиб юборди. Тортган дардларини яна янгилагандай бўлди. У ҳам ўзини илгарилари шу чол каби ожиз ҳис қилиб, талай вақтларгача тақдирга тан бериб юрганди. Бу ваҳшийлар зулмига қарши бош кўтармаган, қарши курашмаганди. Бироқ ҳаёт тўлқинлари, юрак амри уни бутунлай бошқа йўлларга буриб юборганди. Йигит ҳозир шуларни, ўз саргузаштларини, бу ерга қандай келиб қолганини бирма-бир эслаб кетди.

Анорқул бобо ҳаёлга шўнғиб кетган Ғанижонга қараб:

— Ўғлим, сиз катта қишлоқданмисиз? — деди.

Ғанижон ҳаёлчан нима деяпсиз, дегандай чолга қаради.

— ...

— Катта қишлоқликмисиз дейман?

— Ҳа.

Чол унга узоқ тикилиб тургач ҳайиқиброқ савол берди:

— Сиз Абдураимбойникида қарол юрмаганмисиз?

— Юрганман.

— Отингиз Ғанижон эмасми?

— Ҳа, Ғанижон.

Чол бошқа савол бермади. Ғанижон чолнинг ҳадеб суриштиришига тушунмади.

— Отахон, нимага сўраяпсиз, менинг отимни, Абдураимбойникида юрганимни қаёқдан билдингиз?

Чол олдин нима дейишини билмай ўйланиб қолди. Кейин ўзини ўнглаб олгач, жавоб берди.

— Сизнинг тўғрингиздаги гаплар қулоғимга чалинганди.

— Қанака гаплар? — қизиқиб сўради Ғанижон.

— Ҳалиги, йўқолган олтин билакузук тўғрисидаги...

Чол ёндак ўтиргач, нимагадир шошиб ўрнидан турдида, ҳассасига таянib уйига кириб кетди. Лекин Ғанижон чолнинг берган жавобига қаноатланмади. Негадир кўнгли нотинч бўлиб дамба-дам чол кириб кетган эшикка қараб-караб кўярди. Чол унинг фикрини банд қилиб қўйганди. Бу чолни умрида кўрмаган, унга олтин билагузук воқеасини ким айтиб бериши мумкин? Бу узоқ қишлоққа қандай қилиб етиб келган экан? Унинг кўнглидаги ғулғула кучаярди.

— Ха, Ғанижон, нима бўлди, пинакка кетибсиз, ёки сиз ҳам қўркнори бўлиб кўрмоқчимисиз? — деди елкасидан қўлтиғининг тагига тортилган тўппонча қайишини бир қўли билан ушлаб турган Омонов.

— Йўғе, — Ғанижон ўнғайсизланди.

— Қани юринг бўлмаса, овқат қиламиз.

Анорқул бобонинг дарвозаси рўпарасидаги майсазор тепада ўтирган Ғанижоннинг негадир қимирлагиси келмасди. Лекин биror баҳона топиб бу ерда колишнинг иложини қилолмаганидан ноилож ўрнидан турди.

(Давоми бор)

ЖОЛА

(Эрон шоираси)

ЛЕНИН АСРИ

Дейдилар, ҳаётнинг охири ўлим,
Инсон ихтиёрсиз, ўлимга маҳкум,
Инсон бир шуъламиш, ёнару сўнар,
Улгач унутилар, ким уни сўрар?
Донолар дейдилар бу сўз кўп хато,
Ақл кучи қолур асрлар бақо.
Ақл ила оламни тебратган инсон,
Безавол қоладн тургунча жаҳон.
Инсон тарихини олга суради,
Асри лавҳасида номи туради.
Ленин асридир энг азиз даврон,
Инқилоб нуридан эрк олмиш замон.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ.
таржимаси.

Тўртлик

Дилбарим, кўрганда мени ҳар маҳал
Жилмайишдан ўзни тиймоқ бўласан,
Аммо кўзинг кўзга тушган чоғида
Табассум-ла оламни қучмоқ бўласан.

Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди.

В. И. ЛЕНИН. Коммунистик ахлоқ тўғрисида. 306 бет, тиражи 15.000, баҳоси 56 тийин.

КПСС XXIII съезднинг материаллари. 328 бет, тиражи 40.000, баҳоси 61 тийин.

С. ГОЛЯКОВ, В. ПОНИЗОВСКИЙ. Рихард Зорге. 210 бет, тиражи 40.000, баҳоси 25 тийин.

В. БОГАТИРЕВ. Жамоат контроли ишчан бўлса, 24 бет, тиражи 5.000, баҳоси 3 тийин.

М. ҲИКМАТОВ. Халқаро коммунистик ҳаракат стратегия ва тактикасининг баъзи масалалари. 48 бет, тиражи 3000, баҳоси 6 тийин.

Р. РАҲМОНОВ, Ҳ. ТОЖИБОЕВ. Партизан «Казбек», 56 бет, тиражи 5000, баҳоси 5 тийин.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

СОБИР АБДУЛЛА. Мавлоно Муқимий. Бадиий лавҳалар, 444 бет, тиражи 45.000, баҳоси 88 тийин.

ЧАРХИЙ. Шеърлар тўплами. Редколлегия: Уйғун, Зулфия, Рамз Бобожон ўртоқлар, 144 бет, тиражи 10.000, баҳоси 36 тийин.

ОДИЛ ЕҚУБОВ. Эр бошига иш тушса. Роман. 280 бет, тиражи 60.000, баҳоси 66 тийин.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР. Утмишдан эртаклар. Саргузашт қисса. 151 бет, тиражи 60.000, баҳоси 22 тийин.

ЖОЛА. Қалдирғоч (Шеър ва поэмалар). 80 бет, тиражи 10.000, баҳоси 20 тийин.

ШОЛОМ-АЛЕЙХЕМ. Сутчи-тевье. Повесть. Русчадан Абдулла Ўразаев таржимаси, 328 бет, тиражи 15.000, баҳоси 55 тийин.

Ҳофиз қўшиғи

Қўшиқ — баҳор шабодасига ўхшайди. Киши қалбининг хушнуд дамларини чаманзорга айлантиради. Ҳа, дилга гул қўнгиндай бўлади ва у илиқ, оромбахш, масъуд тутғёнлар оғушида қолади. Оламни кезишга ҳозирланган учқур хаёллар бир пас жим қолади-да, қўшиқ эвқи билан маст бўлиб, дилларни аллалайди. Бу дил аллалари кишига қанот боғлайди, эзгу орзулар сари етаклайди, бирдамлик ва ўктамлик бағишлайди. Қўшиқнинг кучи — жозибали сири ҳам ана шунда.

Ҳофиз Асқар Убайдуллаев қўшиқларини тинглаганда ҳам ўзингизни шундай хушнуд ҳис этасиз. Қалбингизни роҳатбахш баҳор шабодаси тўлдиргандай, сизни қандайдир сирли оҳанглар дунёсига олиб киргандай бўлади. Беихтиёр куйга қулоқ солasиз, унинг ширали, қалбни мафтун этувчи оҳангларидан ором олиб, ўзингизни бардам ва қувноқ сезасиз. Ҳофизга раҳмат айтгингиз келади.

Езда пахтазор водида қўшиқ тинглаганимиз хотирга келди. Тушки дам олиш пайти эди. Ғўза қатор оралари яшнатаётган азаматлар дала шийпонини тўлдириб, овқатланишар, давраларда хушчақчақ гурунг авжга минган эди. Эрканлар даврасидаги ҳам, хотин-қизлар даврасидаги ҳам бирбиридан қолишмасди.

Шу пайт қимдир приёмникни қўйиб юборди. Эфирда Асқар Убайдуллаев куйлади. У, «Эй, қайдасан» қўшиғини айтарди. Бу вақт шийпонда гурунг тинди. давраларда сокинлик бошланди, оналар эмизиклик болаларини бағирларига олиб, қўшиқ оҳангига тебранишарди.

Қўшиқ тинди. Кўпчилик тин олиб, қўшиқ ижрочисига раҳмат айтди. Кимдир хурсиниб «бу қўшиқ мен учун айтилган экан» деди. «Бу аёл яқинда севимли фарзандидан айрилган» деди бригадир бизга.

Биз ўрнимиздан қўзғалганимизда, шу қўшиқ ижрочисига, қачон бўлмасин учрашганингизда, пахтакорлар раҳматини айтиб қўйсаларингиз, деб илтимос қилишди.

Асқар Убайдуллаев ҳали Тошкентдаги 41-ўрта мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ музикага ҳавас қўяди. Мактаб унга фақат билим беribгина қолмай, балки санъат музика сирларини ҳам ўргатди.

Асқар 1934 йилда ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб, най чалишни яхши машқ қилади. Унинг моҳир найчи бўлиб етишиши ҳамманинг диққатини жалб этади. Ниҳоят, санъаткорлар уни театрга таклиф этишади. Асқар ака 1936 йилда Еш томошабинлар театрига, 1937 йилда эса Ўзбекистон давлат филармониясига найчи бўлиб ўтади.

Санъат даргоҳига қадам қўйган чоғини эслар экан, у найчилардан Абдуқодир Исмоилов билан Санджон Калоновларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади.

Най чалишни пухта ўрганиб олган Асқар ака хор коллективига қўшилиб, гоҳ-гоҳида ашула ҳам айтарди. У, бир неча йил Муқимий театрида ҳам найчи бўлиб ишлади. Театрда атоқли композитор ва бастакорлардан Тўхтасин Жалилов, Дони Зокиров, Ганижон Тошматовлар ҳам ишлар эди. Асқар Убайдуллаев бу устозлардан куй басталашни ва янги қўшиқ айтиш усулларини ҳам ўрганиб олди. Бора-бора ашулаларни яхши айта бошлайди.

— Қўшиқ ўрганишда менинг устозим марҳум Маъмуржон Узоқов бўлган,— дейди Асқар ака машҳур ҳофиз хотирасини ҳурмат билан ёдга олиб, — мен филармонияда най чалиб, кўпчиликка қўшилиб ашула айтардим. Бир куни концерт олдидан Маъмуржон ака мени ёнига чақириб олди. Сўнг «танбурни қўлга ол. «Оҳ ким»ни бирга айтамиз» деди. Мен бу таклифдан қувондим ва чўчидим. Чунки бу таклиф мен учун ашулачиликка йўл оладиган масъулиятли синов эди. Ҳофизга қўшилиб ашула айтдим. Ашуланинг бир-икки жойида ҳофиз менга қараб қўйди. Бу қараш менга ҳой бола, ашулани бузяяпсан, дегандай туюлди. Ашула тамом бўлди, ҳофиз ашуланинг бузилган жойларини таъкидлаб ўтди, шу билан бирга «бундан буён мен билан бирга қўшиқ айтасан» деб мени қувонтирди.

Асқар Убайдуллаев 1957 йилда Радиокомитетга — мақомчилар группасига ҳофиз бўлиб ўтади. У бу ерда машҳур ҳофизлар Жўрахон Султонов, Тургун Каримов, Ортиқжўжа Имомхўжаевлардан ашула айтиш санъатини ўрганади. Айниқса, санъат маҳоратини оширишда катта таълим берган устоз Юнус Ражабийни ҳурмат билан тилга олади.

Асқар Убайдуллаев ҳозир ўз репертуарини яна янги қўшиқлар билан бойитиб бормоқда.

— Халқимиз, мамлакатимиз Октябрь инқилобининг шонли эллик йиллигини байрам қилишга қизғин тайёрланмоқда. Мен ҳам бу улуғ байрамга ўзимнинг янги ўрганган қўшиқларим билан бораман,— дейди у. Ҳофиз шу кунларда «Пахтакорман», «Ҳамдамим бўл» ва «Тонг шамоли» қўшиқларини ўрганмоқда.

Ҳофизнинг олти ўғли, бор. Ўғилари ўрта ва олий ўқув юртларида ўқийди, шу билан бирга ота касби— санъаткорликка ҳам ҳавас қўйишган. Катта ўғли Ахрор ТошДУда ўқийди, «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трести комсомол комитетининг секретари. У, рубоб чалиб, ашула айтади, медицина ходимлари халқ опера театрига қатнашади. Иккинчи ўғли Баҳром Политехника институтида ўқийди. У ҳам рубоб чалиб, ашула айтади. Яна бир ўғли Рустам 7-синфда ўқийди. Чилдирмани қойил қилиб чалади, дадаси ашула айтганда, унга жўр бўлади. Ботир, Равшан ва кенжатойи Маъмуржонлар ҳам ўрта мактабда ўқиб, оталари изидан бормоқдалар.

Асқар Убайдуллаев халқимизнинг камтар, севимли ҳофизларидан биридир. У, қўшиқ шинавандалари дилини хушнуд этиш учун ўз маҳоратини тинмай ошириб бормоқда, янги-янги қўшиқлар ўрганмоқда.

Биз ҳофизни табриклаб, бардам бўлинг, дилрабо қўшиқларингиз баралла янграйверсин!, деймиз.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Суратда: Асқар Убайдуллаев ўз шогирдлари — фарзандлари билан.

А. Тўраев фотоси.

БИЛАСИЗМИ?

ЕР ШАРИДА ҚАНЧА ОДАМ ЯШАЙДИ

Аҳоли назарияси соҳасида иш олиб борувчи олимларнинг Халқаро союзи аъзоси доктор Курт Биттхауэрнинг ҳисобларига қараганда 1965 йил ўрталарида ер шарининг аҳолиси 3 миллиард 343 миллион кишига, ҳар квадрат километрга тўғри келадиган ўртача зичлик эса 25 кишига етган.

Осиёда 1.888 миллион, Европада 443 миллион, Африкада 300 миллиондан ортиқ, Лотин Америкасида 242 миллион аҳоли яшайди. Совет Иттифоқи аҳолиси 232 миллион деб белгиланган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти демография справочникининг маълумотларига кўра аҳолининг ўсиш суръатлари жиҳатидан Марказий Америка мамлакатлари биринчи ўринда туради. Айрим Осиё мамлакатларида ҳам аҳолининг ўсиш суръатлари анча юқори. Масалан, бу ўсиш Ҳиндистонда 2,3 процентни, Цейлонда 2,7, Покистонда 2,6, Бирмада 2,7, Индонезияда 2,8, Японияда 2,1 ва Бутанда 1,9 процентни ташкил этади.

Ер шари аҳолисининг 20 процентга яқини ХХР территориясида яшайди. Аҳоли сони жиҳатидан Ҳиндистон иккинчи ўринда туради (449 миллион киши). Шундан кейинги ўринларда СССР, АҚШ, Индонезия, Покистон, Япония, Бразилия, ГФР ва Англия туради. Планетамиз аҳолисининг тахминан учдан-икки қисми ана шу ўн мамлакатда яшайди.

Монакода аҳоли зич жойлашганлиги рўйхатга олинган. Бу ерда ҳар квадрат километрга 11 мингдан ортиқроқ аҳоли тўғри келади. Аҳоли энг сийрак жойлашган мамлакат бу Судан ва Жазоирдир. Мазкур мамлакатларда бир квадрат километр майдонга бор-йўғи беш киши тўғри келади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БУ ҲАФТАНИНГ ФИЛЬМЛАРИ

Кинообзор

Экран кино мухлисларини бу ҳафта тўртта бадиий, ўнлаб ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар, турли темалардаги журналлар билан мамнун этади. Сиз Тошкент шаҳри ва областимиз экранларида «Ленфильм» студиясида ишланган «Шкид республикаси», поляк санъаткорлари яратган «Сарагосда топилган қўлёзма» (икки серияли, рангли), Финляндиядаги «Феннада-фильм» студияси суратга олган «Бева Скроф миллионлари» бадиий картиналаримни томоша қиласиз. Бу фильмлар ёнига совет киносанъатининг классик асарлари қаторидан жой олган «Петр I» бадиий фильми ҳам қўшилади. 1937-38 йилларда «Ленфильм»да ижод этилган икки серияли бу бақувват лента янгитдан экран юзини кўради.

«Шкид республикаси» бадиий фильми Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ота-онасиз қолиб, ёки уйдан қочиб, турли жиноятлар йўлига кирган, бебош бўлиб қолган болаларни тарбиялаш йўлида жафокашлик билан иш кўрган ажойиб совет педагогларининг жасоратини ҳикоя қилади. Бу фильмнинг ижодкорларидан бири — сценарий муаллифи Леонид Пантелеев ўз бошидан кечирган воқеаларни фильмда айнан талқин қилишга ҳаракат қилган. У ҳам ёшлигида Достоевский номли ижтимоий якка тарбия мактабида таълим олган. Бу мактабни болалар Шкид республикаси дейишарди. Ўша даврларда ёш авлодни тарбиялаш, уларни уруш, очлик ва ҳаробаларнинг мудҳиш қўйнидан юлиб олиб ўқитиш, боқиш масалалари ёш совет республикасининг энг биринчи даражали инсоний бурчларидан бири эди. Бу ишга Владимир Ильич Ленин катта эътибор берди. Ф. Дзержинский бошчилигидаги Чека зиммасига безорилик йўлига кириб кетган болаларни қайта тарбиялаш вазифаси юкланган, бу ишга ажойиб совет педагоги А. Макаренко типидаги жасур инсонлар жалб этилган эди. Ана шундай кишилардан бири Петербургдаги мактаб-интернатнинг ўқитувчиси Виктор Николаевич Сорока-Расенский эди. Улар қўлида таълим олган ва одам бўлиб чиққан ёшларнинг Г. Белих ва Л. Пантелеев ўз саргузаштларини повесть қилиб ёзган эдилар. Ҳозир барҳаёт бўлган Леонид Пантелеев мазкур китоб қаҳрамонлари ҳаётини экран тилида ҳикоя қилишда, режиссёр Геннадий Полока билан ижодий ҳамкорликда ишлади. Натижада, ўзининг севимли ўқитувчиси прообрази асосида ажойиб педагог Виктор Николаевич Сорокин (ўқувчилар уни ўз тилларида Викниксор деб атайдилар) образини яратди. Бир неча кичик новеллалардан ташкил топган бу фильмда жуда кўп кулгили, ташвишли, лирик лавҳалар учрайди.

Поляк кинематографистлари яратган «Сарагосда топилган қўлёзма» бадиий фильми жуда мураккаб воқеаларни ўз ичига олади. Асардаги воқеалар узоқ ўтмишда Испания диёрида рўй беради. Унда афсунгарларнинг сеҳрлари, инквизиторларнинг даҳшатли жазолари, ошиқ-маъшуқларнинг қувончли висол ва бўсалари, қизиқкон рицарларнинг қиличбозлиги, омадсиз хуштторларнинг калака қилиниши, сингари жуда кўп воқеалар тасвирланади. Фильмда афсунгар дон Педро билан математик дон Веласкес образлари берилган.

Фильмда бош қаҳрамон ван Ворден ролини поляк киносининг машҳур артисти Збигнев Цибульский яратган. Фильми ёшлар ҳам, катталар ҳам зўр қизиқиш билан томоша қиладилар.

Биз Финляндия киноси маҳсулотларини жуда кам томоша қиламиз. Бу мамлакат киносанъати усталари билан бўлаётган бу ҳафтадаги учрашув бизни бехад қувонтиради. Гарчи «Бева Скроф миллионлари» фильмининг сюжети жуда ҳам оригинал бўлмаса ҳам ундаги воқеаларнинг кескинлиги, драматик ҳолатларнинг ўткирлиги, ошиқ-маъшуқлар ўртасига тушган нохуш воқеалар ҳамда бадавлат Скроф хонимнинг газдан заҳарланиб ўлиши ва унинг сабабларини полиция томонидан қидирилиши каби воқеалар бутун фильмга томошабин эътиборини ром қилиб қўяди. Фильм енгил ва завқ билан томоша қиланади.

«Петр I» фильми атоқли совет ёзувчиси Алексей Толстой билан совет киносининг йирик арбобларидан, тарихий биографик жанрдаги фильмлар устаси Ф. Петров ҳамкорлигида яратилган энг ҳаққоний ва бақувват асарлардан биридир. Мазкур фильмдан рус давлатига Европа эшигини очган улуғ саркарда ва давлат арбоби Петр I қилган ажойиб ишлар эҳтирос билан ҳикоя қилинади. Фильмда совет театри ва киносининг етук артистлари ўйнаган. Хусусан Николай Симонов (Петр I), Жаров (Меншиков), Николай Черкасов (Алексей), Алла Тарасова (Екатерина) яратган образлар ўз ҳаққонийлиги ва бадиий қуввати билан бемисолдир.

Бу ҳафтада ана шу буюк санъаткорларнинг ижодидан яна бир марта баҳраманд бўламиз.

М. ЯҲЕЕВ.

Суратларда (юқоридан): 1. «Петр I», 2. «Сарагосда топилган қўлёзма», 3. «Бева Скроф миллионлари» фильмларидан кадрлар.

ФАН-ТЕХНИКА ОЛАМИДА

«ЗАПОРОЖЕЦ» АВТОМОБИЛИНИНГ ҚУВВАТИ ЯНА ОШДИ

ТАСС мухбири Мелитополдан хабар беради: мотор заводи «Запорожец» автомобили учун 3 от кучига эга бўлган моторларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. Янги моторлар ўрнатилган машиналар мамлакат йўлларидаги мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтди.

15 КИЛОМЕТР ЧУҚУРЛИКДАГИ ҚУДУҚНИ ҚАЗИШ ОЛДИДАН

Кола ярим оролида Совет Иттифоқида биринчи жуда чуқур қудуқни қазишга киришиш учун ускуналар тайёрлаб қўйилди. Йўлдош қудуқ деб аталадиган қудуқни пармалаш бошланди.

Асосий қудуқ 15 километр чуқурликда қазилади. Бунинг учун пармалаш асбобининг янги хили тахт қилиб қўйилди. Майдалаб қазийдиган искана бундай асбобнинг энг яхши типи деб топилди. Энг чуқурликда ишлаб турган искананинг геофизик ҳолати тўғрисида маълумот бериб турадиган ҳамда қудуқнинг қандай қазилаётганлигини контрол қилиб турадиган махсус асбоблар ҳам яратилди.

(ТАСС мухбири).
Мурманск.

„ПАХТАКОР“ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«Ёшлик» спорт аренаси 6 январдан футбол майдони вазифасини ўтайбошлади. Бетон йўлкаси, оқмалар тўр билан ўралди, қизил ранг билан дарвоза ўрни ажратилди ва... тўп ишга тушди. «Пахтакор»нинг янги спорт аренасидаги биринчи машғулоти ана шу зайлда бошланди.

Бу куни команда учун бир неча янгилик келтирди. Янги мавсумнинг биринчи тренировкаси бошланди, «Пахтакор»нинг раҳбари ҳам янги. Бу СССР да хизмат кўрсатган тренер Борис Андреевич Аркадьевдир.

— Бу учрашувимни биринчи танишиш дея олмайман,— дейди Борис Андреевич ЎзТАГ мухбири Г. Ефимов билан бўлган суҳбатда,—мен азалдан бошқа мутахассислар ва футбол шинавандалари қатори, ўзига хос қизиқарли бўлган «Пахтакор»ни кузатиб бораман. Бу командада ҳар доим мухлисларни ҳаяжонга солган, машҳур, номи кетган командалар ҳам тошкентликлар олдида бўйин эгган.

— «Пахтакор»нинг кучли ва заиф томонлари ҳақида бирор бир фикрга келгандирсиз?

— Ҳа, менимча «Пахтакор»нинг фақат ҳужум линияси кучли деганлар янглишишади. Юрий Пшеничников маҳоратига ишонган ҳимоячилар пухта ўйнашади. Ҳимоячиларнинг биронтасини ажратиб кўрсатиш қийин. Владимир Штерн спорт формасини мавсум охиригача сақлаб қолди. Мен «Пахтакор» ҳимоячиларини рақиб ҳужумларини муваффақиятли қайтарганини ва қарши ҳужумга ўтишга куч топа олганини кўп марта кўрганман.

Шу ўринда ҳужумчилар ҳужум қилишларини, ҳужум қилганда ҳам дахшатли ҳужум қилишларини айтиб ўтмоқчиман. Уч ўйинчи —Геннадий Красницкий, Эркин Абдурамонов ва Баҳодир Иброҳимовлар тўрт ҳимоячини гангитиб қўйишлари мумкин. Бу иккинчи эшелонни ҳужумга ўтишига имкон беради. «Пахтакор» 4+3+3 системаси ҳаётийлигини яна бир бор исботлади. Бунда команда марказда ҳукмронликни эгаллаб олади ва ўша ердан туриб ҳужумга ва ҳимояга ўтишга қулай имкон яратади.

— Бу сўзларингизни ўз ўтмишдошларингиз фикрига қўшилганлигингизнинг далили деб ҳисобласак бўладими?

— Ҳа, бу тасодифий эмас. Михаил Иосипович Якушин Москва «Динамо» командасида охирги бор ўйнаётган ва мен эндигина тренер бўлиб ишлайбошлаган йилларда иккимизнинг ижодий дўстлигимиз бошланган эди. Ўша пайтдан бери М. И. Якушин кўпгина ажойиб муваффақиятларга эришди. «Пахтакор»нинг тўққизинчи ўринни олганлиги шу муваффақиятларнинг биридир. Ўтган йилги турнирнинг жазаваси ботата олинганда, бу анча катта муваффақият. Команда спорт камолотига эришди, тактик ва техник жиҳатдан ўсиб, вояга етди.

— «Пахтакор» ишқибозлари 1967 йилда қандай натижага умид боғлай оладилар?

— Мен бугун шу саволни команда аъзоларига бердим. Уларнинг жавоби мени хурсанд этди. Йигитлар имкониятларини ҳам, натижаларни ҳам холис баҳоламоқдалар. Энг муҳими шуки, улар курашга шай бўлиб турибдилар.

— Ўзингизнинг фикрингиз қандай?

— Омад «келишн» ёки «келмаслиги» тўғрисида гапирмайдиган бўлсак, М. И. Якушин команда билан биргаликда деярлик ҳамма имкониятлардан фойдаланди, деб ўйлайман. Бу эса янги изланишлар учун яхши негиздир. Ҳар бир учрашувга ва бутун мавсумга командани психологик жиҳатдан тайёрлашни кучайтириш лозим. Ўйинда бўшангликка йўл қўйишни истамаймиз. Кайфиятга қараб ўйнаш айниқса хатарлидир.

Тактик соҳада баъзи бир мўлжаллар бор. Бу ўринда шу мўлжалларни ўйинчиларни жойлаштириш рақамли схемаси тарзида айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўйлайманки «Пахтакор» рақибларини доғда қолдиришга қурби етадиган командадир. Шуни очиқ-ойдин айтиб қўйиш мумкинки, марказни мустаҳкамлаш, айрим ўйинчиларни ҳар қандай вазифаларни бажаришга ўргатиш йўли давом эттирилади. Бу фикрларни олий лига тренерларининг яқин кунларда Москвада бошланадиган семинарида ҳам айтмоқчиман. У ерда мен «Ҳозирги замон футболида ҳужум ва ҳимоянинг бирлиги» деган темада доклад қиламан. Команданн яхши билган ва унга кўп меҳнатини сарфлаган Евгений Борисович Валицкий ва «Пахтакор» футболчилари билан ҳамкорликда ҳозирги замон традицияларнинг бири бўлган—бутун 90 минут давомида барча имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

— Команда составида ўзгариш юз бердими?

— «Пахтакор»нинг аввалги состави бу йил тўла сақлаб қолинди. Фақат бир ўйинчи—В. Тожиров сафдан чиқди. Бу командага унча таъсир этмаса керак деб ўйлайман. Янги ўйинчилар масаласига келганда «Пахтакор»нинг яхши традициясига содиқ қоламиз. Бошқа клублардан «юлдузлар» таклиф этмаймиз. Ўзбекистон командаларининг ёш ўйинчилари республиканинг энг кучли командасидан ўз кучларини синаб кўриш имкониятига эгалар. Дублёрлар составидан В. Солохо, В. Бектошев ва бошқалар бу йил асосий составдан ўрин олсалар керак.

— «Пахтакор» дастлаб қандай учрашувлар ўтказади?

— Бир неча контроль матчларидан кейин, қишки турнир ўтказилади. «Пахтакор» ўз майдонида Ростовнинг Армия спорт клуби, Москванинг «Динамо», «Шахтёр», «Зенит», «Политотдел» командалари билан бир группада беллашади. Қишки тайёргарлик мамлакат чемпионатига тўла шай ҳолда кириб келишга ёрдам беради.

Суратларда: (чапда) Р. Юнусов тўп билан машқ қилмоқда. (Унгда) А. Иноятов, В. Науменко, Х. Раҳматуллаевлар тренировка пайтида.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Старт» спорт клуби залида ўсмирлар ҳамда қизларнинг баскетбол бўйича навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. «Старт» ва «Буревестник» командалари ўйини 74:71 ҳисобида «Старт» фойдасига ҳал бўлди. Қизлар мусобақасида «Старт» спортчилари фарғоналиклардан 15:50 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. «Буревестник» ва «Пахтакор» командалари қизлари ўртасида бўлиб ўтган учрашув бир очко устунлиги ҳисобида пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди. Ҳисоб 31:30.

Шунингдек, қишлоқ жамияти ўсмирлари ҳам шу куни майдондан юзлари ёруғ ҳолда чиқиб кетдилар. Улар «Меҳнат» баскетболчилари устидан 35:31 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тошкент Армия спорт клуби ҳамда «Меҳнат» командалари қизлари ўртасидаги ўйинда меҳнатчилар ўз ғаламларини олишга муваффақ бўлдилар. Учрашув 39:34 ҳисобида улар фойдасига тугади.

* * *

Пойтахтимиздаги Марказий шахмат-шашка клубида мастерлар ҳамда мастерликка номзодлар мусобақаси давом этмоқда. Кейинги учрашувларда 16 имкониятдан 9 ярим очко тўплаган Мухин СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Мастерлар орасида ҳозирча 15 партиядан 9,5 очко тўплаган тошкентлик шахматчи Борисенко пешқадамлик қилмоқда.

Я. САЛИМОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 январда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.30 — Физкультура билан шуғулланинг, 10.55— К. Чуковский. Рус тили маданияти ҳақида (Ғ.ешиттириш), 11.25 — Спорт фильмлари фестивали (гимнастика), 12.00 — Қор Маликаси (мультфильм).

Ўзбек тилида: 13.05 — Бир бор экан-у, йўқ экан (болалар учун), 13.45 — География. Оламга саёҳат (ўқув программаси), 17.00— Пионер проженторн.

Рус тилида: 17.25 — Телевизион янгиликлар, 17.40 — Киносаёҳатлар альманахи, 18.00 — Концерт (томошабинларнинг талабига мувофиқ).

Ўзбек тилида: 18.40 — Телевизион миниатюралар (Ёшлик» студияси), 19.20 — Телевизион янгиликлар, 19.35 — Қувноқ куй ва ғалалар.

Рус тилида: 20.15 — Алишер Навоий (бадиий фильм).

21.55 — Эртаги кун программаси.

Ўзбек тилида: 22.00 — Халқ бастакорлари (Сайфиддин Ғулдошев).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 8/I да кундуз Ҳамза, кечқурун Мирондолина. 9/I да кундуз Доктор Айболит, кечқурун Трубадур.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/I да кундуз Парвона, кечқурун Ой тутилган тунда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да Катта концерт.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Иркитич ҳайвонларни ўргатувчи Иван Рубан ва ўзбек цирк коллективи иштирокида Циркда Арча.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА

11 ва 15 январда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

В. ШЕКСПИР асари

Ўзбекистон халқ шоири Ўйғун таржимаси

ВЕРОНАЛИК ИККИ ЙИГИТ

3 пардали романтик комедия. Режиссер— Н. Отабоев, рассом— Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. А. Рифтин.

Коллектив бўлиб кўриш учун аризалар қабул қилинади.

Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01511
ИНДЕКС 64970.
А.—1773.